

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НАДЖИМУТДИНОВА НОЗИМА ШАМСУТДИНОВНА**

**ҲИҚИЛДОҚНИНГ ХАВФСИЗ ЎСИМТА ВА ЎСИМТАСИМОН  
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАШХИСЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА  
ЖАРРОҲЛИК БИЛАН ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Наджимутдинова Нозима Шамсутдиновна**

Ҳиқилдоқнинг хавфсиз ўсимта ва ўсимтасимон касалликларини  
ташхислашни такомиллаштириш ва жарроҳлик билан даволашни  
оптималлаш ..... 3

**Наджимутдинова Нозима Шамсутдиновна**

Совершенствование диагностики и оптимизация хирургического  
лечения доброкачественных опухолей и опухолеподобных  
заболеваний гортани ..... 26

**Nadjimutdinova Nozima Shamsutdinovna**

Improvement of diagnostics and optimization of surgical treatment of  
benign tumors and tumor-like diseases of the larynx ..... 50

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НАДЖИМУТДИНОВА НОЗИМА ШАМСУТДИНОВНА**

**ХИҚИЛДОҚНИНГ ХАВФСИЗ ЎСИМТА ВА ЎСИМТАСИМОН  
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАШХИСЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА  
ЖАРРОҲЛИК БИЛАН ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib222 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsdi.uz](http://www.tsdi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Амонов Шавкат Эргашевич,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаева Нигора Нусратовна,**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Милан Профант,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Маҳкамова Нигора Эргашевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Санкт-Петербург кулок, томог, бурун ва нутк илмий текшириш институти (Россия)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнаобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-73; e-mail: [info@tsdi.uz](mailto:info@tsdi.uz)).

Докторлик диссертацияси билан (DSc) Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. (Тел/факс: (+99871)-230-20-65).

.Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.К.Хайдаров,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Л.Э.Хасанова,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.А. Абдукаюмов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолиси ўртасида нафас йўллари касалликлари тизимида муҳим ўринни ҳиқилдоқ патологияси хавфсиз ҳосилалар сифатида белгилайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ҳиқилдоқдаги ўсимталар юқори нафас йўлларининг неопластик кўрсаткичлари тизимида 55–70% ҳолларда учрайди ва дисфония билан оғриган беморларнинг 11% да товуш бурмаларининг хавфсиз зарарланиши туфайли касаллик ривожланади...»<sup>1</sup>. Ҳиқилдоқ функционал аҳамияти одам ҳаёти учун муҳим органлар ва тизимлар билан бир қаторда туриб, унинг фаолиятидаги ўзгаришлар нафас олиш етишмовчилиги билан биргаликда кечади. Эндоскопик текширувлар ҳиқилдоқ патологиясини ташҳислашда кенг тарқалган, бироқ унинг натижаларини тасвирлашда бирон-бир мезонлар мавжуд эмас. Эндоскопик текширувлар ўсимтанинг турини аниқлаб, уни овоз ёриғидан пастки соҳаларга тарқалиши ва торайишини тасвирламайди. Ҳиқилдоқдаги ўсимталар эрта ёшдаги болалар орасида кенг тарқалган бўлиб, уни ташҳислаш усуллари аниқланмаган. Сўнгги йиллар давомида респиратор папилломатознинг этиопатогенезини ўрганишда аҳамиятли ютуқларга эришилди, бироқ қайталаниш тизими ва даволашнинг ечими очиқ қолмоқда.

Жаҳонда ҳозирги вақтда тиббиётда етакчи ўринларидан бири лазер технологияларидан фойдаланишга тегишлидир, хусусан ларингологияда ҳам кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳиқилдоқ тўқималар ҳолатини ташҳислаш усулларини такомиллаштириш; ҳиқилдоқ хажмли ва текисли нуксонларда турли имплантатларининг ишлаб чиқиш; ҳиқилдоқ пойдевор имплантатларини шакли ҳамда физикавий-кимёвий хусусиятларини аниқлаш; ҳиқилдоқ зарарланишларида реконструктив ва каминвазив жаррохлик усулларини ишлаб чиқиш; ҳиқилдоқ ҳафли ва ҳафсиз патологиясини ерта ташҳислашни такомиллаштириш; танасақловчи даволаш усулларини ривожлантириш; ҳиқилдоқ жаррохлигига лазер деструкцияни ва фотодинамик терапияни киритиш; ҳиқилдоқ кассаликларини даволаш натижаларини, функционал ва ижтимоий реабилитацияни натижаларини яхшилаш; фоножаррохликнинг замонавий технологияларни такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ҳиқилдоқдаги хавфсиз ўсимталарни текширишни стандартлаштириш юқори энергияли технологиялар билан даволашда эндоларингеал микрохирургия имкониятларини ўрганиш ва самарадорлигини ошириш тадқиқотнинг мақсадини белгилаб беради.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, юқори даражали технологиядан фойдаланган ҳолда ҳиқилдоқ нуксонларини даволашни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш мақсадида «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини

<sup>1</sup> Flint P, Haughey BH, Lund VJ, et al., Cummings Otolaryngology 6th Edition Head and Neck Surgery, 3-Volume Set Maryland Heights, MO: Mosby Elsevier; 2014

шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу борада муҳим вазифалардан бири, ҳиқилдоқнинг хавфсиз ўсимталарини юқори энергияли технологиялар билан даволашда микроэндолагингеал имкониятларга таяниб, самарали замонавий усуллари ишлаб чиқиш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб, ногиронлик кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**

Диод-лазер ва радиотўлқинли нур ёрдамида микрожарроҳлик турли усуллари самарадорлигини клиник-патогенетик асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар, жаҳоннинг, жумладан қуйидаги илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: Karolinska Institutet (Швеция), King's College London (Англия), The University of Hong Kong (Гонконг), University of Michigan (АҚШ), University of Gothenburg (Швеция), Harvard University (АҚШ), University of Zurich (Швейцария), Мельбурн университети (Австралия), Пекин университети (Хитой), Сеченов университети (Россия), ЦНИИС ва РИПИАТМ (Ўзбекистон), Тошкент давлат стоматология институти ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Жаҳон адабиётида ҳиқилдоқ ўсимталарни ташхислаш ва даволаш усулларни такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий натижалар олинган: ҳиқилдоқ тўқималар ҳолатини ташхислаш усуллари такомиллаштириш (Massachusetts General Hospital Voice Center Research Laboratories, USA); саратон ривожланиши предикторларини аниқлаш (University of Wisconsin-Madison); ҳиқилдоқ эпителиал ҳужайраларида онкогенетик ўзгаришлар, молекуляр-генетик жараёнлар билан боғлиқлиги ёки уларга ҳамроҳ бўлган

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ҳар қандай морфологик белгиларга аниқлаш (ФГБУ ИКОМ, Россия)<sup>3</sup>, беморларда ҳар қандай клиник ҳолатда операция ўтказиш имконини берувчи шакл ва ўлчамлари турлича бўлган тўпламга эга махсус усулларни ишлаб чиқиш (Institute of Laryngology and Otology, London); микрожарроҳлик бўйича замонавий технологияларни такомиллаш.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида диод-лазер ва радиотўлқинли нур ёрдамида микрожарроҳлик турли усулларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: лазер технологияларидан фойдаланишнинг технологик ечимлари ишлаб чиқиш; турли хил нурланишли тўлқин узунликларига эга диодлар асосида ишлайдиган кучли лазерларнинг биологик тўқималарга таъсири аниқлаш; ҳиқилдоқ саратон олди касалликларида иссиқлик зарбаси оқсиллари борлиги аниқлаш ва ўсимта зардоби (CEA, SCC) миқдорининг патогенетик жиҳатдан муҳим оралиқларининг саратон ривожланишига сезиларли таъсирини аниқлаш; сурункали гиперпластик ларингит, яссихужайрали папиллома, респиратор папилломатоз, овоз бойламлари полиплари ва овоз тугунчаларида яллиғланишда тўқималарни иммуногистихимик хусусиятларини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда ларингохирургияда замонавий юқори технологияларнинг қўлланилиши жарроҳлик аралашувининг ўзини оптималлаштириш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги жараённинг ижобий кечишини таъминлаш имконини беради (Терентьева А.Б. ва ҳаммуал., 2006). Оториноларингология фанлари ривожланишига қарамасдан, ҳиқилдоқ касалликлари, шу жумладан ўсимта кўрсаткичларининг ўсиши юқори бўлиб қолмоқда, бу юқори нафас йўллари нуқсонларини аниқлаш ва каминвазив орган сакловчи аралашув эҳтиёжига ўз аксини топади. Бемор учун касалликнинг аломатлари ва даволаниш муддати, оператив жараённинг битиши умумий жиҳатдан таъсир этмаган ҳолда, нафас олиш тизими эркинлиги ва овоз тиниклиги муҳим бўлиб қолмоқда (Manelli G. et al., 2016).

Муаллифлар томонидан, Cohen, S.M., et al. (The Laryngoscope, 2012)<sup>4</sup>. дисфониясининг тарқалганлиги ва унинг сабаблари ретроспектив тадқиқ қилинди. Умумий аҳоли орасида дисфония ташҳиси қўйилган беморлар сони 1% ни ташкил этади. Касалликка кеч ташҳис қўйиш ва уни ўз вақтида даволамаслик беморларнинг иш қобилиятига, ҳаёт тарзига таъсир қилади, прогрессив ўсишнинг 3–8% ҳолларида жиддий оқибатларга олиб келиши, баъзи ҳолларда саратон ривожланиши, бўйин ва унга яқин соҳаларга тарқалиши мумкин. Ҳиқилдоқ патологияларини даволаш усулларидан фойдаланиш бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, амалиётчи врачлар томонидан кенг қўлланиладиган бошқа бир замонавий диагностика усули – бу МСКТ ва МРТ визуализация бўлиб, унинг ёрдамида

<sup>3</sup> Нажмуудинов И.И. Совершенствование методов обследования, лечения и наблюдения больных с предраковыми заболеваниями гортани // дисс. на соиск. докт.мед.наук - 14. 01.03 - болезни уха, горла и носа - Москва – 2018, с 204

<sup>4</sup> Cohen, S.M., et al., Prevalence and causes of dysphonia in a large treatment-seeking population. The Laryngoscope, 2012. 122(2): p. 343-348

визуализация қилинган ўсмалар шакли, контурлари яхлитлиги ва структураларининг бир хиллиги, суяк, юмшоқ тўқималар бўйлаб, периневрал тарқалиш ва лимфоген диссеминация белгилари мавжудлигини баҳолаш, хавфли ўсимта мезонлари ва уларнинг тарқалиш даражасини аниқлаш мумкин (Ходжибекова Ю.М., 2020). Юртимизнинг яна бир тадқиқотчиси, эндоскопик текширувлар имконсиз бўлганда, МСКТга асосланиб виртуал ларингоскопияни 3D-моделлаштириш орқали нафас олиш найчасининг торайиш мезонларини аниқлаган (Махамадаминова Ш.А., 2018).

Ҳақиқатдаги ўсимта билан касалланган беморларни даволашнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш даволашнинг бевосита таъсирини ҳам, шифокорнинг унга эришиш борасидаги ҳаракатларини ҳам ҳисобга олувчи бутунлай янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади (Béquignon E., Bach C., Fugain C., Guilleré L., Blumen M., Chabolle F., Wagner I., 2013). Бундан ташқари, умуман, ҳақиқатдаги ўсимталари билан боғлиқ товуш пайчалари дисфункциясини аниқлаш, клиник ва эндоскопик баҳолаш, даволаш усулларини танлаш мезонларини аниқлаш каби муаммолар долзарблигича қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № 0111362 ППИ-10 рақамли «Касалликларни ташҳислаш, даволаш ва профилактикасининг янги технологияларини ишлаб чиқиш ҳисобига аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш» давлат дастури доирасидаги етакчи мавзу сифатида бажарилган (2016-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** ҳақиқатдаги хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликлари бор беморларда ташҳислаш усуллари ва жарроҳлик аралашуви ёндашувлари самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болалар ва катталарда ҳақиқатдаги хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликлар ривожланишининг этиопатогенетик хавф омилларини аниқлаш;

ҳақиқатдаги хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликларининг ташҳислаш усулларини такомиллаштириб, ташҳислаш мезонларини аниқлаш;

одам папиллома вируси (ОПВ), Эпштейн-Барр вируси ва Хеликобактер пилорининг ҳақиқатдаги хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликлар ривожланиши ва қайталанишдаги прогностик аҳамияти, кечишини прогностлаштириш мезонлари даражасини аниқлаш;

диод-лазер ва радиотўлқинли нурларнинг ҳақиқатдаги тўқималарга таъсири, оптимал қўлланилиш режимлари ва ишлатиш усулларининг хавфсиз ўсимта ва ўсимтасимон касалликларида тажриба ва клиникада аниқлаш;

ҳақиқатдаги хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликлари бўлган беморларни диод-лазер ва радиотўлқинли нур ёрдамида комплекс даволаш

самарадорлигининг эрта ва узоқ муддатли функционал натижаларини баҳолаш;

болалар ва катталарда ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликларни ташҳислаш ва даволаш мезонлари алгоритмини такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2015-2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида даволанган 1 ёшдан 74 ёшгача бўлган 253 нафар (93 нафари болалар, 160 нафари эса катталар) беморлар олинди.

**Тадқиқот предмети** сифатида қон, қон зардоби, тупук, ҳиқилдоқ-ҳалқум ва ҳиқилдоқдан олинган суртма, жарроҳлик аралашуви пайтида олиб ташланган тўқима бўлаклари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатория, инструментал (ларингоскопия, эндоскопия, рентген-нур текшируви), патоморфологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор болалар ва катталарда ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталарининг муҳим хавф омиллари сифатида одам папиллома вируси (ОПВ) билан бирга Эпштейн-Барр вируси ўсимта ривожланишига ҳисса қўшиши исботланган;

илк бор одам папиллома вируси (ОПВ) респиратор папилломатоз ривожланиши ва қайталанишида вирус юкламаси таъсири ва унинг микдорий ўлчамлари исботланган;

ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталарининг ривожланиши ва қайталанишида хеликобактер пилори, гастроэзофагеал рефлюкс ва ҳиқилдоқ-ҳалқум сиртидаги кислоталик даражасининг таъсири исботланган;

ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимта туқималаридаги тизимини ёшга қараб ўзгариш хусусиятлари ва ташҳислаш мезонлари нозологиялар бўйича исботланган;

илк бор тажрибада юқори энергияли турли асбобларнинг таъсиридаги ҳиқилдоқ туқималарида патогистологик хусусиятлари (ясси эпителий, мушак, тоғай даражасида), уларнинг шикастланиши нур кучи даражасига қараб исботланган;

юқори энергияли турли асбобларнинг фойдаланишида ҳиқилдоқ туқималарига таъсири, етказилган ижибий ва салбий оқибатлари исботланган;

олинган клиник ва иммунологик маълумотлар асосида ҳиқилдоқнинг хавфсиз ўсимталарини эрта ташҳислашда эндоскопик усуллар билан бир қаторда МСКТ 3Д-виртуал ларингоскопиянинг такомиллаштирилган алгоритмусули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталари ривожланишида прогностик мезонлар касалликлар ва ёш бўйича алоҳида аниқланиб, профилактика чоралари аниқланган;

ҳиқилдоқнинг қайталанувчи папилломатозисига ОПВ юклама мезонлари натижаларининг аҳамияти муҳим эканлиги амалиётда кўрсатиб берилган;

Рейнке шиши ва ҳиқилдоқ кисталари товуш функциясини максимал даражада сақлаган ҳолда юқори энергияли асбоблардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик усули такомиллаштирилган;

ҳиқилдоқ тоғайи кисталари, ларингоцеле ва гранулёмаларни юқори энергияли асбоблардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик усули такомиллаштириб, рецидивсиз самарадорлиги аниқланган;

ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталарда товуш аппарати зарарланганлигини аниқлаш учун ўзбек тилига мослаштирилган VNI ва pVNI сўровномалари ишлаб чиқилган ва беморлар ҳаёт тарзини аниқлашда аҳамияти муҳим эканлиги амалиётда кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тажриба учун олинган ҳайвонлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, стоматологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталарнинг ёшга хос жиҳатлари тасаввурни кенгайтириши, касаллик кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва уни ташҳислаш йўллари аниқланиши ва даволаш усулларини юқори технологиялар асосида олиб борилиши ҳақидаги назарий билимлар даражасини кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳиқилдоқ хавфсиз касалликларини ташҳислаш мезонларини ишлаб чиқиш ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, ташҳислаш усуллари сифатини ошириш ва такомиллаштириш билан изоҳланади, қайталанувчи респиратор папилломатози кечишини башорат қилишнинг янги усули, шунингдек, ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликларини даволашнинг жарроҳлик усуллари ишлаб чиқилганлиги, натижада жарроҳлик аралашувлари сифати яхшиланиб, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

юқори технологияли ташҳислашлар орасидаги полимераза занжирли реакцияси (ПЗР) – ДНК-нишонни *in vitro* кучайтириш усули асосида ишлаб чиқилган «Болаларда қайталанувчи нафас йўллари папилломатозининг кечишини прогнозлаштириш ва даволаш тактикасини танлаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 мартдаги 8н-р/268-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОПВ

вирусли юкламага асосланган ҳолда қайталанувчи нафас йўллари папилломатозани баҳолаш мезонлари, қайталанишини прогнозлаштириш схемасини ишлаб чиқиш ва ушбу беморлар гуруҳини даволаш тактикасини аниқланишда хизмат қилади;

болаларда ҳиқилдоқ касалликларини ташҳислаш усули асосида ишлаб чиқилган «Болаларда ҳиқилдоқ касалликларини ташҳислаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 апрелдаги 8н-р/283-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бемор болаларда ҳиқилдоқ нуқсонларини эрта аниқлаш, нафас йўллари сиқилишини баҳолаш ва хавф туғилган ҳолатлардан сақлаш ва ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилади;

лазерли эндоскопик микрохирургия усуллари асосида ишлаб чиқилган «Ҳиқилдоқ кисталарини даволашда диод-лазерли фоножарроҳликдан фойдаланиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 августдаги 8н-р/717-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳиқилдоқ кисталарини батамом олиб ташлашнинг жарроҳлик усуллари, уларнинг қайталанишини олдини олишга хизмат қилади;

ҳиқилдоқ хавфсиз зарарланишлари, уларни замонавий ташҳислаш ва жарроҳлик аралашуви билан даволаш усуллари ҳақидаги маълумотларни олинган илмий натижалар билан биргаликда соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли маркази (Самарқанд ш.), Республика кўп тармоқли болалар касалхонаси амалий фаолиятига (Қорақалпоғистон, Нукус шаҳри) жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/363-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий этилиши эндоскопик усулларни беморларда кенг қўллаш, уларни стандартлашга имкон яратди, ўсимталарнинг қайталанувчилигини прогнозлаштириш эҳтимолини аниқлаш ва олдини олиш, беморларни жарроҳлик усули билан даволаш самарадорлигини ошириш, ҳаёт тарзини яхшилашга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 5 та илмий-амалий, шу жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида тақдим этилиб, муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шулардан 5 таси республика, 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.



**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 168 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликлари. Муаммонинг ҳолати, ривожланиш омиллари, ташхисоти, жарроҳлик тактикаси (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ўрганилган муаммо бўйича замонавий маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар шарҳи келтирилган. Ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, жарроҳлик йўли билан даволаш турлари аниқланган ва ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталари (ХЎ) ва ўсимтасимон касалликлари (ЎСК) билан оғриган беморларни даволаш тактикаси белгиланган, мавжуд ташхисот ва даволаш усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган ҳамда ҳал қилиниши керак бўлган жиҳатлар, муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник тавсифлари ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширувдан ўтказилган беморларнинг умумий хусусиятлари, шунингдек, қўлланилган тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳиқилдоқ ХЎ ва ЎСК билан оғриган 253 нафар бемор текшируви маълумотларида беморларнинг икки тоифаси: болалар ва катталар қамраб олинган. Катталар ёши ва жинсини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳиқилдоқ ХЎ ва ЎСК билан оғриган жами беморлар орасида продуктив жараёнлар эркакларда 70,0% ва ёшларда (18–44 ёш) 47,5% ни ташкил этиб, устунликка эга бўлган (1, 2-расм).




**1-расм. Бемор болалар ва катталар жинси бўйича тақсимланиши**

Болалар ёши ва жинси хусусиятлари шуни кўрсатдики, 66,7% (n=62) болалар гендер фарқларисиз 6 ёшгача бўлиб, ҳиқилдоқнинг сурункали патологияси айнан кичик ёшлилар тоифасида ҳиқилдоқ тузилишининг анатомик хусусиятлари ва бу ёшнинг иммунореактивлигига боғлиқ ҳолда ривожланади (2-расм).



2-расм. Бемор болалар ва катталар ёши бўйича тақсимланиши

Ҳақиқатда ХЎ ва ЎСК ёш бўйича нозологиялари ҳамда бу касалликларнинг ҳақиқатда ХЎ ва ЎСК умумий структурасидаги улуши аниқланди. Ҳақиқатданинг продуктив патологияси характеристикасида ушбу асосий касаллик гуруҳи аниқланди: хавфсиз ўсимталар – 41,9%, ОПВ келтириб чиқарадиган ва ўзига хос тарзда кечадиган қайталанувчи нафас йўллари папилломатози (ҚНЙП) патологияси – 36,4% ва ўсимтасимон касалликлар – 21,7% ҳолларда учраган (3-расм).



3-расм. Нозология бўйича ҳақиқатда хавфсиз патологияси


Болалар контингенти патологияси таҳлил қилинганда қайталанувчи нафас йўллари папилломатози (ҚНЙП) патологияси устунлик қилганлиги, у бемор болаларнинг 76,3% (n=71) ни ташкил этганлиги аниқланди.

Барча ёши катталарда ҳақиқатда ХЎ ва ЎСК ривожланиш омиллари аниқланди: гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (ГЭРК) ва у билан боғлиқ ошқозон-ичак тракти бузилиши синдроми – 67,5%, ҳақиқатда шиллик қаватига бевосита таъсир кўрсатадиган ва продуктив жараёнларни фаоллаштирувчи чекиш – 72,5%, спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш – 46,3% ва овознинг зўриқиши – 85,6% ни ташкил этди.

Барча беморлар клиник, инструментал, лаборатория, шу жумладан, иммунологик, морфологик тадқиқот усуллари ўз ичига олган кенг қамровли текширувдан ўтказилди. Стандарт отоларингологик текширув махсус ҳақиқатда текширувлари билан тўлдирилди: фиброриноларингоскопия, асосий тон частотаси (АТЧ) билан видеотелеларингостробоскопия (VLS) ва интраоперацион микроларингоскопия. Овоз функциясини ўрганиш N.Yanagihara шкаласи (1967) – дисфония даражасини аниқлашнинг классик усули бўйича олиб борилди. Максимал фонация вақти (МФВ) ва ҳақиқатда рН ҳам аниқланди. Касалликнинг оғирлиги Derkay шкаласи ёрдамида баҳоланди (6 та блок:

локус анатомик локализацияси ва зарарланиши даражаси, овоз сифати, стридор даражаси, операциянинг шошиличилиги, операциялар сони, ремиссия давомийлиги ва коморбидлик). Эксцизион биопсия операцияси давомида олинган тўқималарни текшириш орқали барча беморларда ташхис морфологик верификациядан ўтказилди. Иммунологик текширувлар: ПЗР ташхисоти ёрдамида одам папиллома вируси (ОПВ)ни аниқлаш – папилломавирус инфекциясини мониторинг қилиш ва лаборатория намунасида вирусли юклама, клиник кечиш (тарқалганлик, рецидивлар частотаси) ҳамда унинг кечишини башорат қилиш ўртасидаги эҳтимолий боғлиқликни аниқлаш учун миқдорий тадқиқотлар ўтказилди (Mairand M.H. et al., 2009; Von Karsa et al., 2015). Тупукда Эпштейн-Барр вируси ва хеликобактериоз (*Helicobacter pylori*)ни аниқлаш (ПЗР ташхисоти). Биокимёвий текширувлар – гемостаз тизими кўрсаткичлари аниқланди; «HUMAN» фирмаси тўпламларидан фойдаланиб умумқабул қилинган усул ёрдамида фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (ФКТВ), тромбин вақти, антитромбин-III, фибриноген текширилди. Ўз-ўзини баҳолаш воситалари ўрганилди – болаларнинг ота-оналари (ёки васийлари) билан анкета-сўровномалари ўтказилиб, овоз бузилиши индексининг (pVHI) ўзбекча версияси бўйича ҳаёт сифати аниқланди, 23 та савол учта кичик бўлимга бўлиниб тақдим этилди: ҳаёт сифатига таъсир қилувчи F – функционал соҳа; P – жисмоний соҳа; E – эмоционал соҳа.

Диссертациянинг «**Беморларни клиник текшириш натижалари. Ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликларининг хавф омиллари ва клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида клиник ва диагностик текширув натижалари келтирилган. Асосий клиник симптомлар дисфония бўлиб, у беморларнинг 98% да кузатилди (ҳиқилдоқ тоғайи кистаси бўлган 5 нафар беморда хириллаш учрамади). Иккинчи тез-тез учраб турувчи симптом нафас қисилиши бўлиб, 27,3% ҳолларда асосан ҚНЙП билан оғриган бемор болаларда аниқланди. Дисфагия нисбатан камроқ учраган бўлса (10,3%), патогномоник бўлмаган симптом – йўтал беморларнинг 9,5% да, кучсиз йиғи эса 3,6% ҳолларда бир ёшгача бўлган болаларда кузатилди (4-расм).




4-расм. Ҳиқилдоқ ХЎ ва ЎСКда симптомлар характеристикаси

Нозология бўйича клиник характеристика шуни кўрсатдики, ҚНЙП билан зарарланиш болаларда 77,2%, катталарда эса 22,8% ни ташкил қилди. Анамнездан болаларда касалликнинг ёшга боғлиқ ҳолда бошланиши – биринчи белгиларнинг пайдо бўлиши 1–3 ёшда аниқланиб, бу болаларнинг 63,4 % ни ташкил этди.

ҚНЙП билан оғриган ёши катта беморлардаги ҳамроҳ патология ва салбий омиллар ўрганилганда, 85,7% ҳолларда чекиш асосий салбий омил, ГЭК деярли тенг нисбатда – 42,8%, алкоголь омили эса 52,3% бўлганлиги аниқланди.


Ҳиқилдоқнинг торайиш даражаси ларингоскопия маълумотларига бўйича қуйидагича аниқланди: биринчи даража – 50,0%, торайишнинг анча ифодаланган даражаси – 11,9% (3 даража) ва 5,4% (4 даража) беморларда кузатилди (5-расм). ҚНЙП билан оғриган беморларнинг ярмида ҳиқилдоқнинг 50% дан кўпроқ торайиши қайд этилган. Катталарда ҳиқилдоқнинг 50% торайиши нафас олишда сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди, болаларда эса бу ҳолат қаттиқ нафас қисилиши билан кечиб, нафас етишмовчилиги ривожланишига сабаб бўлади.



**5-расм. ҚНЙПда ҳиқилдоқ торайиши даражаси характеристикаси**

ҚНЙП патологиясида визуал текширувларнинг қиёсий характеристикаси патология, ҳиқилдоқнинг торайиш даражаси ва жараённинг тарқалганлигини аниқлашда ҳар бир текширувнинг диагностик аҳамиятини очиб берди. Шундай қилиб, эндоскопия ёрдамида ўтказиладиган интраоперацион микроларингоскопияда барча ҳолатларда ташхис тўлақонли бўлиб, бу нафақат ўсимта турини, балки унинг тарқалганлигини ҳам 100% аниқлаш имконини берди. Мослашувчан ларингоскопия юқори самарадорликка эга бўлиб, 90,2% ҳолатда патологияни аниқлашга ёрдам берди. Аммо, нафас олиш найчасининг торайганлиги ва патологиянинг чуқур тарқалганлигини аниқлашда унинг самарадорлиги 88,7% ни ташкил этди. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, торайганлик ва тарқалганлик даражасини аниқлашда МСКТ виртуал ларингоскопия режимида 3D-моделлаштириш билан юқори самарадорлик кўрсатиб, 93,75% ни ташкил этди, лекин патология турини аниқлашда унинг самарадорлиги атиги 59,4% ни ташкил этди. Визуализациянинг яна бир усули – қаттиқ телеларингостробоскопияни ҳам эслатиб ўтиш жоиз: бу усул 95,2% натижа билан ҳатто мослашувчан ларингоскопиядан ҳам юқори

самарадорликка эга бўлди (6-расм), лекин шуни таъкидлаш керакки, бу визуализацияни эрта ёшдаги (3 ёшгача) болаларда қўллаш мумкин эмас, мактабгача ёшдаги болаларда (4–6 ёш) эса анча қийин. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, умуман олганда операциядан олдинги даврда барча визуализация усуллари бир-бирини тўлдириб, жуда яхши самарадорликка эришишга ёрдам беради. Улар биргаликда ҳиқилдоқ патологияси, унинг тарқалганлиги ва торайиш даражасини аниқлашнинг асосий воситалари бўлиб, жарроҳлик аралашув усулини танлаш, режалаштириш ва юритиш тактикасини аниқлаш имконини беради.



#### 6-расм. ҚНЙПда ташхисот усуллариининг самарадорлик даражаси характеристикаси

Хавфсиз ўсимталар ва ўсимтасимон касалликлар кечишининг клиник хусусиятларидан беморларнинг кўпчилиги катта ёшли (89,2%) эканлигини маълум бўлди. Ҳамроҳ патология ва салбий омилларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, товуш пайчалари ХЎ ва ЎСК ривожланишида овознинг зўриқиши – 95,0%, чекиш – 67,9% ва ГЭРК – 62,1% асосий роль ўйнаган, бошқа омиллар беморларнинг камида учдан бирида кузатилди. Бу шундан далолат берадики, товуш пайчалари ХЎ ва ЎСКда товуш пайчаларидаги гиперпластик жараённинг асосий этиологик моменти механик омил – «овознинг зўриқиши» бўлиб, у касалликни қўзғатувчи омил ҳисобланади. Бунда чекиш ва ГЭРК ҳам касалликни ривожлантирувчи, қўзғатувчи омил бўлиб, уни янада зўрайтириши ҳисобига барқарор патологик жараённи юзага келтиради.

Товуш пайчалари ХЎ ва ЎСК бўлган беморларда акустик ўлчовлар муҳим аҳамиятга касб этди, чунки улар товуш пайчалари зарарланишининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Ҳақиқий ХЎда, АТЧ энг паст кўрсаткич –  $76 \pm 23,5$  Гц га эга бўлиб, у шиллиқ қават тўлқинлари динамикаси бузилиши билан пластинканинг ўзининг даражасигача бурмаларнинг зарарланишини тавсифлайди. Бунда МФВга унчалик зарар етмади, шикастланиш маҳаллий характерга эга бўлиб,  $9,7 \pm 1,3$  сонияни ташкил этди (1-жадвал). Бундан

ташқари, шиш, айниқса унинг асоси, қанчалик катта бўлса, фонация ёриғининг ўлчами шунчалик катта, АТЧ эса шунчалик паст бўлади. Фонация ёриғининг аҳамиятсиз ўлчамлари ривожланиши билан яссироқ жойлашган дискератозларда бу АТЧ ва МФВ маълумотларини таҳлил қилиш билан тасдиқланди, бироқ АТЧ бунда Рейнке шишидагидан ҳам кўра ёмонроқ кўрсаткичга эга бўлди. Дискератозда унчалик катта бўлмаган зарарланиш ҳам овоз бурмаси пластинкасининг ўзини шикастласа, Рейнке шишида эса, пластинканинг ўзининг чегарасида шикаст етказди, шиллик қават тўлқини динамикаси ижобий, лекин асинхрон характер касб этади. Худди шу ҳолат фаол кўпаювчи ингичка оёқчали ўсимталарда ҳам кузатилади, бунда бемор овозининг бўғиқлиги доимий характерга эга бўлмасдан, ҳаво оқими овоз тирқиши орқали ўтганда ўсимтанинг ҳаракатга келиши билан ўзгаради.

### 1-жадвал

#### Товуш пайчалари ХЎ ва ЎСК билан оғриган беморларда АТЧ ва МФВ хусусиятлари

Касалликлар	АТЧ, Гц	МФВ, сония	p*
Товуш пайчаларининг хавфсиз ўсимталари	76±23,5	9,7±1,3	p<0,05
Дискератозлар	104±48	10,5±1,5	p<0,01
Рейнке шиши	114±23	11,2±0,45	p>0,05
Овоз бурмалари тугунлари	129±35	8,4±1,8	p<0,001

**Ҳиқилдоқ кисталари кечишининг клиник хусусиятлари.** Касаллик кўзғатувчи омиллар таҳлил қилинганда у ёки бу омилнинг устунлик жиҳатлари аниқланмади. Кисталар 3 ёшгача бўлган энг кичик беморларда ҳам, кекса ёшдаги беморларда ҳам учради. Бу кўпчилик томонидан таклиф қилинган ҳиқилдоқ кисталари туғма характерга эга деган назарияни рад этади. Бизнинг фикримизча, нафас ва овқат ҳазм қилиш йўллари кесишмасининг салбий омиллари ҳиқилдоқ кисталарининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди ва безлар ва лимфатик элементлар энг кўп бўлган жойга шикаст етказди. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, ГЭК, чекишдан тортиб то бурун ва бурун-ҳалқум яллиғланиш жараёнигача бўлган кўплаб омиллар туғма ретенцион шишлар бўлмиш ҳиқилдоқ кисталарини кўзғатувчи ҳисобланади. Патология таҳлили шуни кўрсатдики, ҳиқилдоқ кистаси ташхиси унинг катталиги ва ҳажми туфайли жуда осон қўйилган. Ларингоцеле ташхиси эса МСКТ текшируви давомида қўйилиб, унда кистанинг ҳақиқий ҳажми ва ўсиш чуқурлиги, овоз тирқиши соҳасининг ҳақиқий торайиши ҳам бу маълумотларга кўра аниқланган.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, биттада жойда жойлашган ҳиқилдоқ ХЎ ва ЎСК умуман турлича этиопатогенетик омиллар туфайли келиб чиқади.

Улар ўхшаш клиник хусусиятларга эга бўлиб, фақат алоҳида яширин параметрлари билангина фарқ қилади, ташхиси эса визуализация маълумотларига асосланиб, унга операция босқичда аниқлик киритилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар қандай ёшда ҳиқилдоқ шишларига ташхис қўйиш мушкул. Бироқ, айрим фарқлар мавжудки, уларга асосланиб визуализацияда у ёки бу патологияни қийинчилик билан тахмин қилиш мумкин. Шундай қилиб, биз болаларда учрайдиган ҳиқилдоқ хавфсиз касалликларининг клиник-анамнестик мезонларини аниқладик (7-расм).

	<p><b>ҚНЙП</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• доимий кучайиб борувчи дисфония</li> <li>• дисфония билан бирга ҳарсиллашнинг кучайиб бориши</li> <li>• дисфония – ўртача/оғир/афония</li> </ul>
	<p><b>Ҳиқилдоқ кисталари</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• дисфония – "бўғиқ овоз"</li> <li>• доимий характерга эга</li> <li>• овознинг сезиларли ўзгаришида ҳарсиллаш</li> <li>• дисфагия</li> </ul>
	<p><b>Товуш пайлари тугунчалари</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• хириллаш – енгил/ўртача</li> <li>• доимий характерга эга эмас</li> <li>• кечга бориб кучаяди</li> </ul>

7-расм. Ҳиқилдоқ хавфсиз касалликларининг клиник мезонлари


Диссертациянинг «Ҳиқилдоқ хавфсиз ўсимталари ва ўсимтасимон касалликларини жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари. Иммунологик текширув усуллари натижалари» деб номланган тўртинчи бобида диодли лазер, радиотўлқинли жарроҳлик ва «совуқ» асбоблар ёрдамида ҳиқилдоқ ХЎ ва ЎСКни даволаш усуллари тўғрисида маълумот берилган. Диодли лазер ва радиотўлқинли жарроҳликнинг юқори энергияли таъсири пайтида ҳиқилдоқ тўқималарининг зарарланиш чуқурлиги ва шикастланиш даражасини белгилаш учун экспериментал тадқиқотлар ўтказилиб, уларда қуйидагилар аниқланди: 1) диод-лазер нурланишининг биологик тўқималарга таъсири шиллиқ қаватнинг сезиларли даражадаги сиртки деструкциясида кузатилади. Радиотўлқин таъсиридан фарқли ўлароқ унинг катта ҳажмли шикастланиш зонасини ҳосил қилиши репаратив жараёнлар муддатини қисқартиришнинг муҳим шартидир. 2. Лазерли шикастланиш ўчоғининг структураси тўқиманинг морфологик тузилиши билан белгиланиб, лазер нурланишининг кучига боғлиқ эмас. Лазер ва радиотўлқин таъсирида шикастланиш зонасининг кенглиги бир хил, аммо

чуқурлиги ҳар хил, яъни лазер нурланишида шикастланиш кемирчак (тоғай) тўқималаригача бориб етади.

Юқорида қайд этилган маълумотларга асосланиб, ҳиқилдоқ ХЎ ва ЎСҚда нозология бўйича жарроҳлик усулини танлаш параметрлари аниқланди. Таъсир воситаларига қараб, беморлар икки гуруҳга ажратилди (2-жадвал, 8-расм):

1-гуруҳ – юқори энергияли таъсирлар (лазер, радиотўлқинли жарроҳлик) ёрдамида жарроҳлик аралашуви амалга оширилган беморлар. Биринчи гуруҳга ҚНЙП, ҳиқилдоқ тоғайи кисталари ва ларингоцеле, ретенцион кисталар, дискератоз ва Рейнке шиши касалликлари киритилди. Бу жараён нафақат эпителийга, балки қисман пластинканинг ўзига ҳам таъсир қилди.

2-гуруҳ – «совук» асбоблар ёрдамида жарроҳлик аралашуви амалга оширилган беморлар. Иккинчи гуруҳга продуктив жараён эпителийнинг ўзи билан чекланган, пластинканинг ўзига таъсир қилмаган касалликлар киритилди. Ҳиқилдоқ кисталари ва овоз бурмалари тугунчаларидан ташқари уларнинг барчаси хавфсиз касалликлардир (8-расм).



**8-расм. Ҳиқилдоқ хавфсиз касалликларининг юқори энергияли таъсирлар (лазер, радиотўлқинли жарроҳлик) ва «совук» асбоблар ёрдамида жарроҳлик аралашуви**

